



The role and responsibilities of the prosecutor's office in ensuring citizens' right to access qualified medical services

Sobir KURBONOV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2025

Received in revised form

15 September 2025

Accepted 25 September 2025

Available online

15 October 2025

Keywords:

prosecutor's offices,
qualified medical care,
right to health protection,
supervisory activities,
constitutional rights,
medical assistance,
legality,
citizens' rights.

ABSTRACT

This study analyzes the role and responsibilities of the prosecutor's office in ensuring citizens' right to access qualified medical services. The legal nature of the right to healthcare, enshrined in Article 48 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, and its compliance with international standards are examined. The legal content of the concepts of medical aid and medical service is elucidated. The main directions of the prosecutor's office's oversight activities in the healthcare sector are identified. The relevance of safeguarding the right to healthcare in modern conditions is highlighted, including the lessons from the COVID-19 pandemic and the impact of technological advancements. Methods to enhance the effectiveness of prosecutorial oversight are proposed, and the necessity for the future development of an independent field of law, such as medical law, is substantiated. In practice, results have been obtained that contribute to improving the mechanisms for protecting citizens' right to medical services.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss9/S-pp48-57>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: sobirqurbonov1984@gmail.com

Фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда прокуратура органларининг роли ва вазифалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

прокуратура органлари,
малакали тиббий хизмат,
соғлиқни сақлаш ҳуқуқи,
назорат фаолияти,
конституциявий ҳуқуқлар,
тиббий ёрдам,
қонунийлик,
фуқаролар ҳуқуқлари.

Мазкур тадқиқотда фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда прокуратура органларининг роли ва вазифалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида мустаҳкамланган соғлиқни сақлаш ҳуқуқининг ҳуқуқий табиати ва унинг халқаро стандартлар билан мослиги кўриб чиқилган. Тиббий ёрдам ва тиббий хизмат тушунчаларининг ҳуқуқий мазмуни очиб берилган. Прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги назорат фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган. Замонавий шароитда соғлиқни сақлаш ҳуқуқини таъминлашнинг долзарблиги, шу жумладан COVID-19 пандемияси тажрибаси ва технологик тараққиёт таъсири кўрсатилган. Прокуратура органларининг назорат самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган ҳамда келажакда тиббиёт ҳуқуқи каби мустақил ҳуқуқ соҳасининг ривожланиши зарурияти асосланган. Амалиётда фуқароларнинг тиббий хизмат ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган натижалар олинган.

Роль и задачи органов прокуратуры в обеспечении права граждан на получение квалифицированной медицинской помощи

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

органы прокуратуры,
квалифицированная
медицинская помощь,
право на охрану здоровья,
надзорная деятельность,
конституционные права,
медицинская помощь,
законность,
права граждан.

В данном исследовании проанализированы роль и задачи органов прокуратуры в обеспечении права граждан на квалифицированную медицинскую помощь. Рассмотрена правовая природа права на охрану здоровья, закрепленного в статье 48 Конституции Республики Узбекистан, и его соответствие международным стандартам. Раскрыто правовое содержание понятий медицинской помощи и медицинских услуг. Определены основные направления надзорной деятельности органов прокуратуры в сфере здравоохранения. Показана актуальность обеспечения права на охрану здоровья в современных условиях, включая опыт пандемии COVID-19 и влияние технологического прогресса. Предложены пути повышения эффективности надзора органов прокуратуры и обоснована необходимость развития в будущем такой самостоятельной отрасли права, как медицинское право. В результате исследования получены выводы, способствующие совершенствованию механизмов защиты права граждан на медицинское обслуживание.

КИРИШ

Замонавий ҳуқуқий давлат қуришда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддаси фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб беради. Ушбу конституциявий нормани амалга оширишда прокуратура органларининг роли ва вазифалари муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, аҳолининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. 800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлайди. Шунингдек, даволаш инсон саломатлигини таъминлашнинг 10 фоиз омили, холос. Ирсий омиллар 15 фоиз, атроф-муҳит 20 фоиз, энг асосийси, турмуш тарзи 55 фоизни ташкил этади [6].

COVID-19 пандемияси ҳам нотўғри турмуш тарзи оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатди. Технологик тараққиёт тиббиётдаги оғриқли масалаларни ҳал қилаётган бўлса-да, кўплаб давлатларда қашшоқлик аҳоли саломатлиги даражаси кўтарилишига йўл қўймапти. Натижада, очлик ва носоғлом яшаш тарзи миллионлаб одамлар ҳаётини қийинлаштирмоқда. Бу ҳолат соғлиқни сақлаш соҳасида давлат органларининг, жумладан прокуратура органларининг роли ва масъулиятини янада ошириб юборди.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Тадқиқотда ҳуқуқий базани комплекс таҳлили амалга оширилиб, соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари бўйича конституциявий қоидалар, миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар ўрганилган. Ҳуқуқий тушунчаларни доктринал таҳлил қилиш, халқаро амалиётни қиёсий ўрганиш ва мавжуд ижро механизмларини баҳолаш орқали прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги назорат фаолияти тадқиқ этилган. Тиббий ёрдам ва тиббий хизмат тушунчаларининг ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилинган, прокурор назоратининг самарадорлиги баҳоланган ва такомиллаштириш йўналишлари аниқланган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи турли мутахассислар томонидан энг муҳим ижтимоий ҳуқуқ сифатида баҳоланиб, уни мазмуни турли йўналишларда баҳоланган. Жумладан, фуқаронинг соғлиғи бугунги кунда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий воситаси сифатида; давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбурияти сифатида; инсонлар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири сифатида; давлат хавфсизлигининг асоси сифатида; ижтимоий қадрият ва бахт сифатида баҳоланган.

Фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва уни ривожланиш тарихи бўйича миллий илмий адабиётларда фундаментал ишлар жуда кам бўлиб, ушбу ҳуқуқни шаклланиши ва ривожланиши асосан хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари ва халқаро инсон ҳуқуқлари доирасида ўрганилган.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ ҳақида АҚШнинг 1791 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқлар тўғрисида”ги Биллда, 1215 йилги Буюк Британияда қабул қилинган Эркинликларнинг Буюк хартиясида (Magna Charta), 1689 йилги Британия “Ҳуқуқлар тўғрисида”ги Биллда ҳам ҳеч қандай нормалар кўзга ташланмаслигини қайд этиш зарур [1, с. 101].

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқини халқаро ҳуқуқий даражада мустақамланиши БМТ томонидан 1946 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ)нинг Уставини қабул қилиниши билан боғлиқ. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ)нинг Уставига биноан “Соғлиқни сақлаш – бу нафақат касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги, балки жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонликнинг ҳолати. Соғлиқни сақлашнинг энг юқори даражасидан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ирқи, дини, сиёсий қарашлари, иқтисодий ёки ижтимоий мавқеидан қатъий назар, асосий ҳуқуқларидан биридир. Барча халқларнинг саломатлиги тинчлик ва хавфсизликка эришишнинг асосий омили бўлиб, алоҳида шахслар ва давлатларнинг тўлиқ ҳамкорлигига боғлиқдир” [6, с. 35].

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясида тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи ёки соғлиққа бўлган ҳуқуқ шахснинг алоҳида ҳуқуқи сифатида белгиланмаган бўлсада [7, с. 35], Декларациянинг 25-моддаси 1-қисмида келтирилган қоидалар ушбу ҳуқуқни келгусида рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган: “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, беваллик, қарилик ёки унга борлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга” [3, с. 35].

Шахсни соғлиққа бўлган ҳуқуқи илк бора алоҳида инсон ҳуқуқи сифатида “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 12-моддасида мустақамланган [8]. Унга кўра: “Мазкур Пактда иштирок етувчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиши ҳуқуқини эътироф этади”. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-I-сонли қарорига асосан қўшилган.

Қайд этиш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро универсал ҳужжатларга асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги, инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатлари энг юқори қадрият эканлиги ва 48-модда “малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи” мустақамланган.

Ушбу моддада мустақамланган “малака, малакали” сўзларини таҳлил қилар эканмиз, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “малака-қобилият, истеъдод, хусусият, одат” маъносини билдириб, “малакали-малака тажрибага эга бўлган, катта малака орттирган” деган маъноларни билдиради. Демак, малакали тиббий хизмат айнан соҳа бўйича юқори кўникма ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимлари томонидан тиббий хизмат кўрсатиш деган маънони беради [15, с. 75].

Республикамызда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил етиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштириш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратиш, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш, кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил етиш” масалалари устувор вазифа етиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини татбиқ қилиш ва бу борадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришни долзарб етиб белгиламоқда [17].

Тиббий ёрдам ва тиббий хизмат тушунчаларининг ҳуқуқий мазмуни масаласи ҳам муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон қарорига мувофиқ шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам мулкӣ шакли ва бошқарувидан қатъи назар барча тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул кўрсатилади. Ҳаёт учун хавф туғдирувчи ҳолатларда тиббиёт муассасаларига шошилиш тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишни рад етиш тақиқланади [20].

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда тиббий ёрдам турлари белгилаб қўйилган [21].

Ушбу ҳужжатга кўра, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам – бемор ҳаётига хавф солаидиган аниқ белгилари бўлмаган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури; шошилиш тиббий ёрдам – касалликларга чалинганда, бахтсиз ҳодисалар юз берганда, жароҳат олганда, заҳарланганда ва тез тиббий аралашув ҳар қандай шароитда кўрсатилишини талаб қиладиган бошқа ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Шошилиш тиббий ёрдам кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдамни ўз ичига олади.

Ушбу қоидага кўра бепул тиббий ёрдам таркибига нафақат шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, балки тез тиббий ёрдам ҳам киради. Юқоридаги низомга мувофиқ, тез тиббий ёрдам – бемор ҳаётига хавф солаидиган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда шошилиш кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури саналади.

Янги бир муҳим масалани қайд етиш зарурки, тиббий ёрдам кўрсатиш қамрови қанчалик муҳим бўлса, унинг кўрсатиш сифатиди жуда муҳим саналади. Ушбу икки элемент Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқини таъминлашга, охир оқибат соғлом миллатни шакллантиришнинг бош омили саналади.

Бизнингча, тиббий ёрдам бу биринчи тез тиббий ёрдам шаклида амалга оширилганда давлатнинг шахс олдидаги ижтимоий мажбурияти шаклида юзага келади, бу хизмат бепул амалга оширилади. Биринчи тиббий ёрдамдан кейин стационар шаклида даволаниш учун амалга ошириладиган тиббий хизмат давлатнинг ажратган бепул асосдаги йўлланмалари асосида амалга оширилган ёки хусусий тиббий муассасаларда кўрсатилганидан қатъий назар тиббий хизмат сифатида баҳоланиши зарур [25, с. 71-72].

Ушбу йўналишда қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини таъминлашдаги роли муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ прокуратура органлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, жумладан соғлиқни сақлаш ҳуқуқини таъминлаш устидан назоратни амалга оширади. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига кўра, прокуратура органларининг **асосий вазифалари** қатор қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат [19].

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига биноан, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади [19].

Прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги назорат фаолияти қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади: тиббиёт муассасаларида қонунчиликнинг бажарилиши устидан назорат; ижтимоий жиҳатдан муҳофазага муҳтож шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; санитария-эпидемиологик фаровонликни таъминлаш; дори воситалари айланиши соҳасидаги назорат.

Ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади. Аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради. Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф етиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради.

Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасида прокурорларнинг назорат фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада қонунчилик бузилиши ҳолатларида прокурор протест, тақдимнома, қарор ва бошқа прокурор назорати ҳужжатларини қўллайди. Прокуратура тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасига биноан, прокурор қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради.

Прокуратура органлари тиббиёт муассасаларида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилишини; тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини; беморлар ҳуқуқларининг таъминланишини; тиббиёт ходимлари томонидан касбий этика қоидаларига риоя этилишини назорат қилади [18, с. 121-123].

Прокуратура органлари болалар, ногиронлар, ақли норасо шахслар, қариялар ва бошқа ижтимоий жиҳатдан муҳофазага муҳтож гуруҳларнинг тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини назорат қилади ва уларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини таъминлайди. Прокурорлар санитария-эпидемиологик қоидалар ва нормаларнинг бажарилишини; ахборотни гигиена талабларига мос келишини; инфекцион касалликларнинг тарқалишига қарши курашиш чораларини назорат қилади.

Прокуратура органлари дори воситаларининг ишлаб чиқарилиши, сақланиши, сотилиши жараёнида қонунчиликка риоя этилишини; сифатсиз, қалбаки дори воситаларининг айланишига қарши курашни; дори воситаларига нархларнинг белгиланиши ва назорат қилишни амалга оширади.

Сўнгги йилларда тиббий хизмат ҳуқуқини таъминлашнинг замонавий ёндашувлар ҳам шаклланиб бормоқда [23, с. 11-12].

Замонавий ҳуқуқшунослик фанида тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи ва соғлиққа бўлган ҳуқуқ тушунчалари тўғрисидаги доктринал қарашлар [29, с. 136; 25, с.789] таҳлилини амалга оширишда биз қуйидаги тушунчаларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ санаймиз.

Малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи – фуқароларга давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан кўрсатиладиган дастлабки ва шошилишч тиббий муолажа бўлиб, у бепул тарзда амалга оширилади ва беморнинг соғлиғини сақлашга қаратилган энг зарурий ҳамда биринчи тиббий ҳаракатларни миллий протоколлар ёки стандартларга мувофиқ олиш ҳуқуқини қамраб олади.

Малакали тиббий хизмат кўрсатиш – фуқаронинг соғлиғини сақлашга қаратилган комплекс тиббий фаолият бўлиб, у бепул ёки ҳақ эвазига, бемор ҳамда тиббий муассаса ўртасида тузиладиган шартнома асосида тиббиёт соҳасидаги миллий протоколлар ёки стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Ихтисослашган малакали тиббий ёрдам – махсус усуллар ва мураккаб тиббиёт технологияларидан фойдаланишни талаб қиладиган касалликлар ва ҳолатларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашни (шу жумладан ҳомиладорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейинги даврда), шунингдек, тиббий реабилитация қилишни ўз ичига оладиган тиббий ёрдам тури.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш учун давлат ва нодавлат соғлиқни сақлаш ташкилотларига энг яхши даражада тиббий хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқидир.

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг ирқи, жинси, дини, сиёсий қарашлари, иқтисодий ёки ижтимоий мавқеидан қатъий назар жисмоний ва руҳий саломатлиқдан фойдаланиш бўйича табиий ҳуқуқидир [30].

Замонавий даврда тиббий хизматдан фойдаланиш ва шахсни соғлиққа бўлган ҳуқуқларининг ривожланиш тенденциялари бўйича бир қатор йирик илмий тадқиқотлар ўтказилгани қайд этилади. В.Румболд томонидан 2017 йилда эълон қилинган тадқиқот ишида [22, с. 712-715] Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки ва БМТ томонидан тасдиқланган Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури бўйича дунёда соғлиқни сақлашни қамраб олиш бўйича қўйилган вазифалар ҳозирги кундаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим сиёсат эканлиги қайд етилган. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатлар олдида тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ сарф-харажатларни ижтимоий ривожланиш соҳасида биринчи галдаги вазифага айлантиришдек қийин танлов мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

R. Magnusson томонидан ўтказилган йирик тадқиқот ишида инсонни соғлиғини сақлаш ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини давлатлар томонидан таъминлашнинг зарурати ва бу давлатнинг ўзини ривожланиши учун нақадар муҳим эканлиги экологик, ижтимоий, социологик ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллифнинг қайд этишича, давлатлар инсоннинг соғлиқни сақлаш ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш учун энг аввало қуйидаги фундаментал вазифаларни муваффақиятли бажариши зарур: замонавий бошқарув ва лидерлик; тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот ва уни

шаффофлиги; тиббий хизмат кўрсатиш тизимини молиялаштириш; соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар сиёсати; тиббий хизматларни кўрсатишнинг ҳаммабоплиги; дори ва технологик воситалар билан таъминланганлик [14, с. 1114].

Адабиётларда жамиятда соғлиқни сақлаш тизимини тўғри ташкил қилиш ва касалликларни профилактикаси бўйича бир қатор назарий асослар келтириб ўтилган. Улар орасида кўп таъкидлаб ўтилгани бу соғлиқни сақлаш тизимига таъсир қитувчи ташқи таъсирлар, булар тамаки чекиш натижасида юзага келадиган зарарли тутундан иккинчи ва учинчи шахсларни сақлаш, жамият аъзоларини ўз соғлиқларини жисмоний тарбия орқали таъминлашга эришиш, мавсумий касалликлар учун аҳолини эмлаш тизимини очиқ ва ҳамма учун имкониятли қилиш, атроф муҳитни асраш ва экологик давлат назоратини кучайтириш [9, 10, 11].

Прокуратура органларининг назорат самарадорлигини ошириш йўллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчи, бугунги кунда тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашнинг конституциявий, маъмурий-ҳуқуқий ва фуқаролик ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий воситалари билан бир қаторда, ҳуқуқ соҳасида тиббиёт ҳуқуқи каби мустақил ҳуқуқ соҳалари шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Ушбу соҳадаги миллий мутахассисларнинг қайд етишича, тиббиёт ҳуқуқи – нисбатан янги ҳуқуқ тармоғи бўлиб, илмнинг муайян бир йўналиши, илмий тартиб-қоидалардан иборат.

Иккинчи, малакали тиббий ёрдамнинг сифати масаласида миллий қонунчиликда аниқ қоидаларни учратиш қийин. Бизнингча, сифатли тиббий ёрдам тушунчаси ўз ичига тиббий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилишини, тиббий ёрдам кўрсатишда профилактика, диагностика, даволаш ва реабилитация усуллари тўғри танлаш, даволаш жараёнида режалаштирилган натижага эришиш даражасига қанчалик эришилганликни акс эттирувчи хусусиялар мажмуини англатади.

Аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши принципини амалга ошириш бўйича Европа вазирлар кенгашининг тавсияларига кўра, давлатлар томонидан нафақат барча шахсларга тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини яратиш, балки тиббий ёрдам олишнинг молиявий жиҳатдан барча учун мақбул шаклда ташкил қилиш зарур.

Учинчи, прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги назорат самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш лозим: тиббиёт муассасаларида қонунчилик бузилишлари бўйича мунтазам мониторинг ва профилактика ишларини кучайтириш; беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш; тиббий хизматлар сифатини назорат қилишнинг замонавий усуллари жорий етиш; прокурор ходимларининг тиббиёт соҳасидаги билимларини доимий равишда ошириш.

Прокуратура органлари ва соғлиқни сақлаш идоралари ўртасида узлуксиз ҳамкорлик ва ўзаро маълумот алмашиш тизимини ўрнатиш зарур. Фуқароларнинг тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф етиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш механизмининг яратиш муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддаси фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Ушбу ҳуқуқни амалга оширишда прокуратура органларининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Прокуратура органлари соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, ушбу соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали чораларни кўради.

Замонавий даврда халқаро тажриба ва тенденциялар кўрсатишича, соғлиқни сақлаш ҳуқуқини таъминлаш давлатнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида қаралмоқда. COVID-19 пандемияси давлатлар томонидан инсонларнинг соғлиғини муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик ва «Ҳимоя учун жавобгар» концепциясини жорий этишнинг долзарблигини кўрсатди.

Прокуратура органларининг фаолияти соғлиқни сақлаш ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб, бу соҳадаги назорат самарадорлигини янада ошириш зарурати мавжуд. Келажакда тиббиёт ҳуқуқи каби мустақил ҳуқуқ соҳасининг ривожланиши, замонавий технологияларнинг тиббиёт соҳасига жорий этилиши ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш прокуратура органларидан ҳам янги ёндашувлар ва усуллари қўллашни талаб этади.

Фуқароларнинг тиббий хизмат ҳуқуқини таъминлашда прокуратура органларининг роли ва вазифаларини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги назорат механизмларини такомиллаштириш мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адаменя Д.В. Билль о правах 1791 г.: десять поправок к Конституции США. – 2020.
2. Бушуева В.П. Конституционное право граждан на охрану здоровья и медицинскую помощь в Российской Федерации на современном этапе: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – 2006.
3. Всеобщая декларация прав человека от 10 декабря 1948 г. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml
4. Гафурова Н.Э. Актуальные вопросы обеспечения право на здоровье в медицинском праве. – Ташкент, 2015. – С. 9.
5. Duranti M. The Holocaust, the legacy of 1789 and the birth of international human rights law: Revisiting the foundation myth // Journal of Genocide Research. – 2012. – Т. 14. – №. 2. – С. 159-186.
6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари. – 2023.
7. Исполинов А. Правовой статус Всеобщей декларации прав человека (к 70-летию принятия) // Сравнительное конституционное обозрение. – 2018. – №. 4. – С. 100-107.
8. International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights, opened for signature 16 December 1966, 993 UNTS 3 (entered into force 3 January 1976).
9. Jellinek G. The declaration of the rights of man and of citizens: a contribution to modern constitutional history. – Н. Holt, 1901.

10. Johnson V.R. The Great Charter // Texas Bar Journal. – 2015. – Т. 2015. – №. April. – С. 266.
11. Каменская Н.А. Конституционное право на охрану здоровья и медицинскую помощь: современные гарантии обеспечения, принципы реализации и механизмы защиты: дис. – 2011. – С. 4.
12. Колоткина О.А. Право личности на безопасность: Понятие и механизмы обеспечения в РФ: Теоретико-правовое исследование: дисс. канд. юрид. наук. – Саратов, 2009. – С. 19.
13. Матузов Н.И. Актуальные проблемы теории права. – Саратов: Сарат. гос. академия права, 2003. – С. 439.
14. Magnusson R. Advancing the right to health: the vital role of law // Advancing the Right to Health: The Vital Role of Law, World Health Organization, Switzerland. – 2017.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – 2006-2008.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
18. Панова Л.В. Доступность медицинской помощи: Россия в европейском контексте // Журнал исследований социальной политики. – 2019. – Т. 17. – №. 2.
19. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
20. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/832/3842-сон.
21. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.
22. Rumbold B. et al. Universal health coverage, priority setting, and the human right to health // The Lancet. – 2017. – Т. 390. – №. 10095. – С. 712-714.
23. Свирин Ю.А. Проблемы защиты прав пациентов при оказании медицинской помощи // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. – 2019. – №. 2. – С. 25-30.
24. Toebe B. The right to health as a human right in international law // Refugee Survey Quarterly. – 2001. – Т. 20. – №. 3.
25. Toebe B. et al. (ed.). The right to health: a multi-country study of law, policy and practice. – Springer, 2014.
26. Томсинов В.А. «Славная революция» 1688-1689 годов в Англии и Билль о правах: Учебное пособие. – М., 2010. – С. 236-250.
27. Устав В.О.З. ВОЗ. Основные документы. – 2005.
28. Холодова Т.Ю. Конституционно-правовое обеспечение прав граждан на охрану здоровья и медицинскую помощь в Российской Федерации: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 26.
29. Чиркин В.Е. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах 1966г. и конституционное право // Международные пакты о правах человека: ценностные характеристики. – 2016. – С. 29-34.
30. World Health Organization et al. Minutes of the Technical Preparatory Committee for the International Health Conference: Held in Paris from 18 March to 5 April, 1946. – WHO, 1947.